



## ИБРОҲИМБЕК ҚЎРБОШИНING 15 НАФАР САФДОШИ ФАОЛИЯТИ

**Қаҳрамон Ражабов, тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон ФА Тарих институти бош илмий ходими**

**Аннотация:** Шарқий Бухорода фаолият кўрсатган Иброҳимбек қўрбошининг жасур сафдошлари ва лашкарбошилари кўп бўлган<sup>1</sup>. Ушбу мақолада сўз унинг совет режимида қарши қуролли курашни охиригача матонат билан давом эттирган 15 нафар жасур сафдоши ҳақида юритилади.

**Калим сўзлар:** парвоначи, Дангара, қўрбоши, Дашти қалъа, Рустоқ, коллегия, лақай

**Аннотация:** В данной статье освещена деятельность пятнадцати сослуживцев и командиров Ибрагимбека Корбоши, работавшего в восточной Бухаре, которые вели вооруженную борьбу против советской власти.

**Ключевые слова:** парвоначи, Дангара, корбоши, Дашти кала, Русток, коллегия, Локай

**Abstract:** Ibrahimbek Korboshi, who worked in eastern Bukhara, had many brave comrades and commanders. This article is about 15 brave comrades who resolutely continued the armed struggle against the united Soviet power.

**Key words:** Parvonachi, Dangara, Korboshi, Dashti Kala, Rustok, College, Lagai

1931 йил 25 июндан то 1932 йилнинг 12 апрелигача Иброҳимбек ҳамда Шарқий Бухорода 1920 – 1931 йилларда қизил армияга қарши ҳаракат қилган яна 15 қўрбоши ҳам чекистлар томонидан Тошкентда сўроқ қилинганлар. Иброҳимбек бошчилигидаги бу қўрбошиларнинг ҳаммаси СССР ХКС хузуридаги ОГПУ ҳайъати мажлисининг 1932 йил 13 апрелдаги қарорига биноан ўлим жазосига ҳукм қилинадилар. Шу ўринда, сиёсий идоранинг махфий ҳужжатига мурожаат этамиз:

1. Ибрагим бек Чакабаев [Иброҳимбек Чақабоев; 1889 – 1932]<sup>2</sup>. 2. Абдуқаюм Парваначи Улаев [Абдуқаюм Парвоначи Улаев; 1856 – 1932]. 3. Ишан Исахан Мансурханов [Эшон Исохон Мансурхонов; 1885 – 1932]. 4. Алимардон Датхо Мухамедов [Алимардон Додхоҳ Мухамедов; 1887 – 1932]. 5. Сулайман Салахутдинов [Сулаймон Салоҳиддинов, Эшон Судар; 1877 – 1932]. 6. Кур Артык Аширов [Ортиқ Додхоҳ Аширов; 1891 – 1932]. 7. Мулла Нияз Парваначи Ҳакимов [Мулла Ниёз Парвоначи Ҳакимов; 1878 – 1932]. 8. Мулла Аҳмад Бий Саидов [Мулла Аҳмадбий Саъидов; 1878 – 1932]. 9. Ташмат Ходжа Бердиев [Тошмат Хўжабердиев; 1894 – 1932]. 10. Азим Марка Астанакулов [Азим Марқа Остонакулов; 1880 – 1932]. 11. Куганбек Ширалиев [Кўганбек Шералиев; 1897 – 1932]. 12. Шахасан Иманкулов [Шоҳасан Имонкулов; 1892 – 1932]. 13. Мирзақаюм Черов [Мирзақаюм Шеров; 1897 – 1932]. 14. Куган Кенджаев [Кўганбек Кенжаев; 1904 – 1932]. 15. Алят Палван Ильмирзаев [Арлот Полвон Элмирзаев; 1890 – 1932]. 16. Ишан Палван Баҳадур Заде [Эшон Полвон Баҳодирзода; 1888 – 1932]<sup>3</sup>.

### Абдуқаюм Парвоначи

Абдуқаюм Парвоначи, Абдуқаюм Парвоначи Улаев (1856-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган йирик қўрбошилардан бири, амир амалдори Иброҳимбекнинг қайнотаси ва маслаҳатчиси.

Бухоро амирлигига қарашли Балжувон беклигидаги Кангурт тумани Тўрткўл қишлоғида йирик мулкдор оиласида 1856 йилда туғилган. Кейинчалик у Кангурт тумани Данғара қишлоғида яшаган. Дехқончилик билан шуғулланган. Абдуқаюм ўз худудида

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ражабов Қ. Иброҳимбек қўрбоши жасорати ва қисмати // “Ўтмоий фанлар” журналі. 2022. №1. – Б.8-19.

<sup>2</sup> Тўғри қавс ичида қўрбошиларнинг исми-шарифлари ўзбекчалаштирилди ҳамда уларнинг туғилган ва ҳалок бўлган йиллари архив ҳужжатлари асосида келтирилди.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон давлат хавфсизлик хизмати архиви, 577051-иш, 3-жилд (уч жилдлик); Назаров.Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тошкент, 2007. Б-133 – 134; “Шарқ юлдузи” журналі, 2004. № 1. 50-б.





оқсоқол (элбеги) бўлиб, аҳоли ўртасида катта нуфуз ва обрў-эътиборга эга бўлган<sup>4</sup>.

Файласуф ва тарихчи олим Насриддин Назаровнинг ёзишича, Абдуқаюм амирлик кўшини ва саройда ҳам хизмат қилган. Садоқатли хизматлари эвазига у *парвоначи* мансабига лойиқ кўрилган<sup>5</sup>. Бухоро амирлигида парвоначи амирнинг таянчи ҳисобланган олий лавозимлардан бири бўлиб, у *оталиқ* ҳамда *девонбегидан* кейин учинчи мансабдор шахс бўлган. Амир қабулхонасида парвоначи учун махсус ўриндиқ бўлган. Парвоначи баъзан харбий юришларда иштирок этиб, муайян қисмларга кўмондонлик қилган<sup>6</sup>.

Қизил армия томонидан 1920 йил сентябрда Бухорода амирлик тузуми ағдарилгач, 1920 йил кузидан бошлаб Шарқий Бухорода ҳам қизил аскарларга қарши жанглар бошланади. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Абдуқаюм Парвоначи бошчилигида ўзбек лақайларидан тузилган дастлабки курулти гуруҳ Шарқий Бухорода муваффақиятли жанглар олиб борган. Парвоначи гуруҳида унинг куёви Иброҳимбек ҳам бўлиб, у қизил аскарларга қарши курашда айрича жасорат кўрсатади<sup>7</sup>.

Данғара яқинидаги Қоратоғда қизил аскарларга қарши 1921 йилда бўлган харбий амалиётлардан бирида Абдуқаюм Парвоначи жиддий жароҳатлангач, кўшинга бошчилик қилиш учун у Иброҳимбекни тайинлайди. Кейинчалик қайнотанинг ўзи куёви Иброҳимбекка маслаҳатчи сифатида кўп йиллар давомида мураккаб амалиётларни бошқарган. 1926 йили у Афғонистонга ўтиб кетган<sup>8</sup>.

Абдуқаюм Парвоначи 1926-1931 йилларда Афғонистон ҳудудида ҳам Иброҳимбек кўрбоши билан бирга бўлган. 1931 йил 30 мартда Иброҳимбек кўшини сафида у ҳам чегарадан ўтиб, Афғонистондан Тожикистон ССРга қайтган. Чолтоғда бўлган курултойда Абдуқаюм Парвоначига Иброҳимбек томонидан Балжувондаги Ҳисор лақайларининг бошлиғи этиб тайинлангани ҳақида махсус ваколатнома берилган<sup>9</sup>. Маълумки, Иброҳимбек кўшини қизил армияга қарши уч ой давомида олиб борган ҳаёт-мамот курашида мағлубиятга учрайди. Абдуқаюм Парвоначи совет ҳокимияти билан музокара олиб бориш учун Сталинобод (ҳозирги Душанбе)га Юзбой оқсоқол ҳузурига бораётганда чекистлар томонидан 1931 йил 22 июнда қўлга олинган<sup>10</sup>. Иброҳимбек ва бошқа кўрбошилар билан биргаликда Сталинободдан Тошкент шаҳрига келтирилган ҳамда ўн ой мобайнида чекистлар томонидан сўроқ қилинган.

Абдуқаюм Парвоначининг 1931 йил 7 июлда терговчига ўзбек тилида берган кўрсатмаси Тошкентда чиққан “Ватан” газетасида 1993 йилда 8 декабрда эълон қилинган<sup>11</sup>.

Абдуқаюм Парвоначи ҳам Иброҳимбек ва сафдошлари қаторида (жами 16 нафар киши) Тошкент шаҳрида бўлган СССР ХКС ҳузуридаги ОГПУ коллегияси махсус мажлисининг 1932 йил 13 апрелдаги қарорига биноан ўлим жазосига ҳукм қилиниб, 1932 йил 10 августда 76 ёшида отиб ўлдирилган<sup>12</sup>. Отиб ташланган 16 нафар ватанпарварлар ўртасида энг ёши улуғи ва оқсоқоли Абдуқаюм Парвоначи эди.

Айни пайтда Тожикистон Республикаси Кўлоб минтақаси Данғара туманидаги Гулбулоқ ва Тўрткўл қишлоқлари орасида Абдуқаюм Парвоначи қурдирган қалъа сақланиб қолган.

### **Исохон Эшон Мансурхонов (Эшон Исохон)**

*Исохон Эшон* (1885 – 1932) – Бухородаги йирик дин арбобларидан бири, Иброҳимбек кўрбошининг пири ва асосий ўринбосари.

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати архиви (Ўзбекистон МХХА), П-577051. Уч томлик. Том 2. 75-варақ.

<sup>5</sup> Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент, 2007. – Б. 125.

<sup>6</sup> Дадабоев Ҳ. Парвоначи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёт, 2003. – Б. 684.

<sup>7</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 1-дафтар, 5-варақ.

<sup>8</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.

<sup>9</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 27-варақ.

<sup>10</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 75-варақ.

<sup>11</sup> Абдуқаюм Парвоначининг икромномаси // “Ватан” (Тошкент). № 48-49. 1993 йил 8 декабрь.

<sup>12</sup> Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай // Серия “Рабочие документы ИФЕАК”. Выпуск 20 (июнь 2006 г.). – Тошкент, 2006. – Б. 170; Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.





Исохон Эшон 1885 йили туғилган<sup>13</sup>. Н. Назаровнинг фикрича, у Самарқанд яқинидаги Дахбед қишлоғида дунёга келган<sup>14</sup>. У ўзбек лақайлари уруғининг бардақли шохобчасига мансуб бўлган. Мадраса таҳсилини олгач, муридлари хузурига кўчиб, Ҳисор яқинидаги Қораёғоч қишлоғида яшай бошлайди. Унинг Шарқий Бухорода кўплаб муридлари бўлган. Кейинчалик Исохон Эшон Мансурхонов машхур кўрбоши Иброҳимбекнинг пири ҳамда ғоявий раҳнамоси сифатида ҳарбий жараёнларда асосий мавқени эгаллаган.

Исохон Эшон 25 ёшида амир томонидан мингбоши лавозимига тайинланиб, армияда бир йил хизмат қилган<sup>15</sup>.

Кейинчалик Исохон Эшон Тошкентда терговчи Муртазин томонидан қилинган сўрок (1931 йил 15 июль)дан маълум бўлишича, аввалдан Исохон Эшоннинг аждодлари эшон бўлиб, маълумотли, мусулмонча ўқиш ва ёзишни яхши билган<sup>16</sup>. Исохон Эшон – ўз қишлоғида обрў-эътиборга эга бўлган шахслардан бири бўлган. У 1922 йилда болшевиклар сиёсатидан норози кишилардан ўз гуруҳини ташкил этиб, совет тузумига қарши курашни бошлаган ва унинг қўл остида 500 нафар йигит ҳаракат олиб борган<sup>17</sup>.

1923 йилда Иброҳимбекнинг топшириғи асосида Исохон Эшон Ҳисор, Регар, Қоратоғ ва Сурхон воҳасида фаолият олиб боровчи кўрбошилар гуруҳи, шунингдек, Раҳмон Додхоҳ, Темурбек, Ўтанбек ва Хуррамбек гуруҳларини бирлаштириб, қизилларга қарши биргаликда ҳаракатни кучайтириш учун махсус фармон билан жўнатилганда, у Боботоғда 1923 йили чекистлар томонидан қўлга олинди<sup>18</sup>. Душанбе ГПУси томонидан қамокқа олинган Исохон Эшонни чекистлар қамокда сақлашга ҳеч қандай асос тополмай, уни 7 ойдан сўнг озод қилишган<sup>19</sup>. Бу даврда совет ҳокимияти томонига ўтиб, масъулиятли лавозимларда ишлаётган, илгари йирик бойлардан ҳисобланган, жумладан, ўн минг қўй, минглаб отлари бўлган Ҳожи Ёқуббой ва Тоғайбойларнинг қафиллиги асосида Исохон Эшон қамокдан чиқарилади<sup>20</sup>.

Озодликка чиққач, Исохон Эшон 2 йил мобайнида деҳқончилик билан шуғулланади. 1925 йилда у яна чекистлар томонидан қўлга олиниб, Душанбедаги ГПУ қамокхонасида эканлигида Соҳиб командир, Мирзоназар ва Мулла Одина билан биргаликда қамокдан қочади<sup>21</sup>. 1926 йилда яшаш учун Афғонистонга ўтиб, Жилликўл туманида жойлашган. Айлобод қишлоғига боради. У эрда Исохон Эшоннинг холаси яшар эди. У билан учрашиш учун Айлободга борган ва шу билан то совет ҳудудига ўтгунга қадар ўша эрда яшаган. Афғонистонда яна уйланган ва шу ерда қолишга қарор қилган<sup>22</sup>.

Исохон Эшоннинг 1931 йил 13 ноябрдаги сўроғидан маълум бўлишича, Афғонистонда бўлган йилларида Иброҳимбекнинг йигитларини ва уларга келиб қўшилган минглаб муҳожир оилаларни озиқ-овқат билан таъминлашдек оғир вазифа унга топширилган эди<sup>23</sup>.

Иброҳимбек Қатағон-Бадахшонда мустақамланиб, 1930 йилда Чаёбни эгаллайди<sup>24</sup> ҳамда Исохон Эшон у эрда саккиз ой давомида ҳоким сифатида ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятини бошқаради<sup>25</sup>.

Иброҳимбек билан афғонлар ўртасида уруш бошлангач, Иброҳимбек Айлободдаги

<sup>13</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>14</sup> Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай // Серия “Рабочие документы ИФЕАК”. Выпуск 20 (июнь 2006 г.). – Тошкент, 2006. – Б. 178.

<sup>15</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 38-варақ.

<sup>16</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>17</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 55-варақ.

<sup>18</sup> Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК» Выпуск 20. –Тошкент, 2006. – Б. 178.

<sup>19</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 55-варақ.

<sup>20</sup> Валишев А. Чекистские были. – Душанбе: “Ирфан”, 1988. – С. 246; Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК» Выпуск 20. –Тошкент, 2006. – Б. 178.

<sup>21</sup> Валишев А. Чекистские были. – Душанбе: “Ирфан”, 1988. – С. 247.

<sup>22</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 55-варақ.

<sup>23</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 59-варақ.

<sup>24</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 27 – 28-варақлар.

<sup>25</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 27-варақ.





мухожир оилаларнинг чегарага яқин жойларга кўчириш ҳақида буйруқ беради. Шу вазиятда Исохон Эшон қолган оилалар билан Костак, ундан эса Чаёбга кўчиб ўтади. Чаёбда барча мухожирлар кенгашиб, ҳеч нарсани кутмасдан совет ҳудудига ўтишга келишиб олишади. Кенгаш қарорини Иброҳимбекка этказиш учун Алимардон Додхоҳ ва Мулла Жўралар юборилган ва уларга Иброҳимбек розилик берган<sup>26</sup>. Исохон Эшон мухожир оилаларни Амударёнинг Чубек мавзеси орқали совет ҳудудига ўтказиб, ўзи эса Афғонистон ҳудудига қолган. Афғонларнинг ҳарбий ҳужумлари кучайгач, Иброҳимбек билан икки кундан сўнг чегарадан ўтган.

Афғонистондан қайтиб келганда у Иброҳимбекнинг энг яқин маслаҳатчиси бўлиб, биринчи Чолтоғдаги курултойда иштирок этган. Унда Исохон Эшонга Ҳисор ва Боботоғда қизил армияга қарши жанглари ташкиллаштириш вазифаси юкланиб, у ўша ҳудудларга жўнатилган. Иброҳимбек уни Боботоғ ва Сурхондарёда ўзининг ноиб қилиб тайинлаган<sup>27</sup>.

Исохон Эшон ўзи билан Тошман, Ҳасан, Абди, Қора Тўксабо ва унинг айрим йигитларини олиб Боботоққа жўнаб кетади. Исохон Эшон Боботоққа этиб борганда Афғонистондан мухожирликдан келган барча аҳоли совет ходимлари томонидан қўлга олиниб, Науга ҳайдаб кетилгани ҳақида хабар келади. Кейинроқ Иброҳимбек ҳам Боботоғга келади ва улар бирлашиб Бойсун туманига боришади ҳамда у ерда 17 кун яшайди. Шу кунлар мобайнида қизиллар билан кичик жанглари бўлиб турган. Иброҳимбек яна қайтиб Боботоғга кетади. Шу вақтда Исохон Эшон билан бирга Алимардон Додхоҳ, Мирза Қаюм, Азим Марқа, Гафур ажралиб таслим бўлиш учун Сталинобод томон кетишади. Улар Ойбулоқдан 8 чақирим узокликда аҳолидан 30-40 кишилик делегацияга дуч келишган. Делегация билан келишув асосида Исохон Эшон, Алимардон Додхоҳ, Мирза Қаюм, Азим Марқа, Гафурлар таслим бўлишди<sup>28</sup>.

1931 йилда Исохон Эшоннинг раҳбарлиги остида Шулюм, Жонбулоқ, Курган, Хуррият, Жарбулоқ, Жинишке, Қайрағоч қишлоқларида қизил армияга қарши бир нечта жанглари бўлиб ўтган<sup>29</sup>.

1931 йил 22 июнда Сталинобод шаҳрида Қайрағоч қишлоғи атрофида Сталинобод ОГПУсига таслим бўлган<sup>30</sup>.

1932 йил 29 январдаги сўроғидан маълум бўлишича, Исохон Эшон Чолтоғдаги курултойдан сўнг ўз қишлоғи Қораёғоч томон йўл олди. У уч кун ўз қишлоғидан яшагач, қизил аскарларнинг қишлоқда келаётганлигини эшитиб, Омакай тоғига кетади. Омакайда Ҳусайн командир билан бироз вақт тургандан сўнг уларга 15-20 йигит келиб қўшилди. Ўша кун мобайнида унга 20-25 нафар кулоқлар ва қочоқлар ҳам келиб қўшилган, улар жанг вақтида орқада қолиб кетган Комил кўрбошининг таркибида бўлишган эди.

1931 йил 22 июнда қўлга олинган Исохон Эшон ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича 1932 йил 10 августда Тошкентда 47 ёшида отилган<sup>31</sup>.

Айни пайтда Исохон Эшоннинг авлодлари Ўзбекистон ва Тожикистонда истиқомат қилишмоқда.

### **Сулаймон Салоҳиддинов (Эшони Судур)**

*Сулаймон Эшон, Эшони Судур, Сулаймон Салоҳиддинов (1877-1932)* – Шарқий Бухоро ва Ўрта Бухородаги курулли ҳаракатнинг ғоявий раҳнамоларидан бири. *Эшони Судур* номи билан машҳур бўлган<sup>32</sup>.

### **Алимардон Додхоҳ Мухамедов (Алимардон Додхоҳ)**

*Алимардон Додхоҳ Мухамедов (1887-1932)* – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек кўрбошининг сафдоши.

<sup>26</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 55-варақ.

<sup>27</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 27-варақ.

<sup>28</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 55-варақ.

<sup>29</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 27-варақ.

<sup>30</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.

<sup>31</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>32</sup> Сулаймон Эшон ҳақида батафсил қаранг: Ражабов Қ. Иброҳимбек кўрбоши жасорати ва қисмати // “Ijtimoiy fanlar” jurnali. 2022. №1. – Б.14-16.





Алимардон Додхоҳ 1887 йили Шарқий Бухорода туғилган<sup>33</sup>. Бешбулок яқинидаги Буйала Даштак қишлоғида яшаган ҳамда ўзига тўқ деҳқон бўлган.

Алимардон Додхоҳ 1920 йил охирида Шарқий Бухородаги ғала-ғовурлар натижасида Айритош кечуви орқали, Дашти Қалъа қаршисидан Афғонистон ҳудудига ўтиб кетади. Чегарадан ўтиб Рустоққа тўхтаб, у ернинг ҳокимидан яшаш учун рухсат олган. Рустоқда 11 та туяга эга бўлиб, маълум муддат қирақашлик қилган. Лекин бу ишдан фойда кўрмагач эса 6 та туясини сотиб, ўрнига 2 жуфт хўкиз харид қилган ва деҳқончилик билан машғул бўлган. Рустоқда 1 йил яшаб, кейин эса Дашти Қалъага кўчиб ўтади ва у эрда 5-6 йил яшаган. Кейинчалик Дашти Қалъадан Айлабодга кўчиб борган ва у ерда ҳам 4-5 йил турган. Шу пайтда Айлабодга муҳожирларнинг оммавий кўчиб келиши кучайган. Сабаби бу эрда яшаш анча арзон бўлган. Айлабодга яшаб турган вақтида совет ҳудудига кетмоқчи бўлганида Хонобод ҳокими рухсат бермагач, Мамай қишлоғига 1 йил яшаган. Шундан сўнг совет ҳудудига ўтмоқчи бўлганда уни афғон беги билиб қолиб, ортга қайтишни буюради ва Ишқамишга қайтиб келганда афғон вакиллари уни қойишади, натижада афғон маъмурлари билан орасида совуқчилик тушади. Алимардон Додхоҳ совет давлатига ўтмасликка сўз бергач, унга яшаш учун ҳужжат беради. Алимардон Додхоҳ билан бирга қариндошлари бўлган 15 оила ҳам бўлган. Улар орасида биродари Қорақўл ҳам бор эди.

Иброҳимбек билан афғонлар ўртасида уруш бошланишидан кўрқиб, унинг ҳузурига бориб, Ҳисорга ўтиш нияти борлигини айтганда, Иброҳимбек унга розилик берган. Шундан сўнг у Талиқонга келган ва у ерда афғонларнинг ҳужумига учраган ва улар томонидан таланган. Алимардон Додхоҳ қочиб Мамай қишлоғига, у эрдан эса дарё бўйидаги Чапайга келган ва шу эрда ўз оиласи ва бошқа бир нечта оилани Тожикистон ҳудудига ўтказиб юборган<sup>34</sup>.

Иброҳимбек билан чегарадан ўтган Алимардон Додхоҳ дастлаб Жилонтоғда, у эрда қизиллар ҳужум қилгач эса Чолтоғга ва у ердан таслим бўлиш йўллари қидириб, Деновга келиб таслим бўлган, у эрдан Сталинободга, кейин эса Тошкентга жўнатилган<sup>35</sup>.

Алимардон Додхоҳ қўлга олингандан сўнг уларга нисбатан ҳар қандай ҳолатда ҳам айб қўйилишини биларди. Шунинг учун у сўроғида ўзига совет ҳукумати томонидан қўлланиши мумкин бўлган жазони энгиллаштириш мақсадида ёки XX асрнинг 20-йилларида совет давлати ҳудудида бўлган сиёсий жараёнларга ўзини алоқадор эмас, дегандек Афғонистон ҳудудига 1920 йилда ўтиб кетганман деб, вазиятни биров чалкаштирадиган ҳолатда кўрсатма берган. Эҳтимол, Алимардон Додхоҳ Афғонистонга бир неча марта бориб келган бўлиши ҳам мумкин. Бироқ тергов қарори ҳамда ўн олтилар гуруҳига берилган умумий хулосаларда Алимардон Додхоҳ 1926 йилда Афғонистонга ўтиб кетганлиги кўрсатилди<sup>36</sup>.

Иброҳимбек билан Афғонистондан қайтиб келгач, Чолтоғдаги қурултойда қатнашган. У Исоҳон Эшон билан биргаликда Ҳисор ва Боботоғга юборилган. Алимардон Додхоҳ ўз йигитлари билан Чияли, Ябу, Қизилқалъа, Оқсув, Найзабулок, Тўкузадир қишлоқларида қизил аскарларга қарши жанглар олиб борган<sup>37</sup>.

1931 йил 22 июнда Сталинобод ОГПУси томонидан қўлга олинган<sup>38</sup>.

Алимардон Додхоҳ ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича 1932 йил 10 август Тошкентда 45 ёшида отилган<sup>39</sup>.

### **Мулла Ниёз Парвоначи Ҳакимов**

*Мулла Ниёз Парвоначи Ҳакимов* (1878-1932) – Шарқий Бухорода совет ҳокимиятига қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек кўрбоши ва Анвар Пошонинг сафдоши.

Мулла Ниёз 1878 йили Шарқий Бухоронинг Шаҳринав туманидаги Искич қишлоғида

<sup>33</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.

<sup>34</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 68-варақ.

<sup>35</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 69-варақ.

<sup>36</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.

<sup>37</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 28-варақ.

<sup>38</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.

<sup>39</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.





Ўзбек хонадонида туғилган<sup>40</sup>. Мусулмонча таълим олган.

Амир амалдорларидан бўлган. У 1921 йилда қизил армияга қарши ўз фаолиятини бошлаган. Мулла Ниёз ҳарбий саркарда Анвар Пошонинг гуруҳида бўлган. Парвоначи унвонини Анвар Пошодан олган. Кейинчалик у ҳам ҳаракатга бошчилик қилган. 1925 йилда Афғонистонга ўтиб кетган ва у эрда Иброҳимбек ҳамда Амир Олимхон ўртасида элчилик вазифасини ҳам бажарган. 1931 йилда Иброҳимбек билан биргаликда Тожикистон ССР худудига қайтган ва Чолтоғдаги қурултойда иштирок этган<sup>41</sup>.

1931 йил 23 августдаги сўроғидан маълум бўлишича, Шарқий Бухорода бошланган тартибсизликлар оқибатида Мулла Ниёз Парвоначи ҳам оиласини қолдириб, ўзи Фархар чегара пости орқали 1925 йилда Афғонистонга ўтиб Хонабодда 10 кун яшаб, кейин Кобулга Олимхоннинг олдига боради ва ўша эрда қолиб 6 ой мобайнида савдо ишлари билан шуғулланади. Кейин эса савдо қилиш мақсадида Кобулдан Хонабодга келиб деҳқончилик кампаниясини ташкил этиб, 4 ой яшайди. 1926 йилда Иброҳимбек Кобулга келгач, Мулла Ниёз Парвоначи ҳам унинг ҳузурига келади. Иброҳимбек 1929 йил баҳорда Хонабодга кетади. Бундан 5 ой ўтиб Мулла Ниёз Парвоначи ҳам у эрга боради.

1931 йилда Иброҳимбек чегарадан совет давлатига ўтганда биринчи Жилонтоғда тўхтади, уларга қарши қизил аскарлар ҳужум бошлайди. Шунда улар Сангўда ва ундан эса Чолтоғга бориб ўрнашади. Чолтоғдаги қурултойда Иброҳимбек ўзининг аскарбоши, қўрбоши ва йигитларига қарата хоҳласанглр ўз уйлариингга қайтинглар ёки ҳукуматга таслим бўлишларинг мумкин деб, ҳаммага руҳсат беради. Шундан сўнг таслим бўлиш учун Ортик Додхоҳ ўзининг 100 нафарга яқин йигитлари билан Балжувон туманига кетади. Эрназар козоқ ўзининг 40 нафарга яқин йигитлари билан Сарой-Камарга, Кўган Тўксабо ўзининг 40 нафарга яқин йигитлари билан Туткаулга, Алимардон Додхоҳ, Исохон Эшон ўзининг 40 – 50 нафар йигитлари билан Сталинободга кетади. Мулла Ниёз Парвоначи ва Иброҳимбек ўзининг 80 – 100 нафар йигити билан Чолтоғда қолади<sup>42</sup>.

Боботоғда турганда Иброҳимбек унга ҳукуматга таслим бўлиш ҳақида кўрсама берган. Шундан сўнг Мулла Ниёз Парвоначи Шаҳринав туманидаги Хонақо қишлоғига боради. Аввал таслим бўлган Зокир кўрбоши орқали таслим бўлиш нияти борлигини ГПУнинг вакили Валишевга билдиради. Шундан сўнг Валишев Мулла Ниёз Парвоначи ва Зокирни Сталинободга юборган<sup>43</sup>.

Хуллас, 1931 йил 22 июнда Сталинобод ОГПУси томонидан қўлга олинган<sup>44</sup>. Мулла Ниёз Парвоначига ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича отишга ҳукм қилинган. Бироқ у ҳукм ижро қилиниши арафасида қийноқлардан Тошкентдаги турма касалхонасида 54 ёшида вафот этган<sup>45</sup>.

#### **Мулла Аҳмадбий Саидов**

*Мулла Аҳмадбий Саидов* (1878-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек кўрбошининг хос соқчиси.

Мулла Аҳмадбий 1878 йили Шарқий Бухородаги Кангурт тумани Мундоқ қишлоғида туғилган<sup>46</sup>. Қизил армияга қарши кураш жараёнида у Иброҳимбек кўрбоши ва Эгамберди Ботирнинг маслаҳатчиси бўлган<sup>47</sup>.

Мулла Аҳмадбий Саидовнинг 1931 йил августдаги сўроғидан маълум бўлишича, у 7 йил илгари Иброҳимбекнинг йигитлари сафида бўлиб, бир йил давомида унинг шахсий кўрикчиси бўлган. Кўплаб оилалар Афғонистонга муҳожирликка кетаётган пайтда у ҳам ўз оиласини жўнатган эди. Кўрикчиликдан бироз чарчаган ва оиласини соғинган Мулла Аҳмадбий Иброҳимбекнинг рухсати билан Афғонистонга жўнаб, Айлободдан ўз оиласини

<sup>40</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ; 3-дафтар, 70-варақ.

<sup>41</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>42</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 70-варақ.

<sup>43</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 71-варақ.

<sup>44</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.

<sup>45</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>46</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.

<sup>47</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.





топади. Унинг Афғонистонга боришидан 6 ой ўтиб Иброҳимбек ҳам Кобулга келиб, 3 йил шу ерда яшаган. Шунда Мулла Аҳмадбий яна Иброҳимбекнинг шахсий кўриқчиси сифатида фаолият юрита бошлаган<sup>48</sup>.

Иброҳимбек билан афғонлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар бошлангач, Мулла Аҳмадбий кўрбоши қилиб тайинланган ва унга 500 нафар катагонлардан иборат гуруҳни бошқариш топширилди. Афғонлар билан давом этган 2 ойлик жангларда Мулла Аҳмадбий кўлидан жиддий яраланган ва тоғларда яшириниб юрган. Кейин оиласи олдига қайтиб борганда муҳожирлар совет ҳудудига ўтаётган эди ва у ҳам оиласини олиб Чубек мавзесига етиб келади. Худди шу пайтда у эрда Иброҳимбек оилаларни чегарадан ўтказишга ёрдам бераётган эди. Чегарадан ўтиб, Жилонтоғда қизил аскарлар билан жангда Мулла Аҳмадбий яна яраланади ва у тоғда қолади. Бир неча кундан сўнг Тошгузар қишлоғининг оқсоқоли Бердимурод орқали Абдуқаюм Парвоначига мактуб йўллайди. Абдуқаюмдан келган жавобда у таслим бўлганлигини, Мулла Аҳмадбийни ҳам совет ҳокимиятига таслим бўлишини таклиф қилган. Шундан сўнг у Данғарага келиб таслим бўлган<sup>49</sup>.

1931 йил 22 июнда Сталинобод ОГПУси томонидан қўлга олинган. Данғара ОГПУси томонидан сўроқ қилинган<sup>50</sup>. Мулла Аҳмадбий ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича Тошкентда 54 ёшида 1932 йил 10 августда отилган<sup>51</sup>.

#### **Азим Марқа Остонақулов**

*Азим Марқа Остонақулов* (1880-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши фаолият кўрсатган йирик кўрбошилардан. Иброҳимбек кўрбошининг сафдоши.

Ҳисор беклигидаги Кўктош қишлоғида (Душанбе яқинида) 1880 йили туғилган. Ўзбек лақайларидан<sup>52</sup>.

Марқа уруғининг нуфузли оқсоқоли бўлган. Азим Марқа 1923 йилда Иброҳимбекнинг оиласи билан Афғонистонга ўтиб кетган ва унинг шахсий кўриқчиси эди. Иброҳимбекнинг оиласига Азим Марқа васийлик қилган. 1920 – 1926 йилларда қизил армияга қарши Шарқий Бухорода кураш олиб борган ва турли йилларда катта гуруҳларга раҳбарлик ҳам қилган. Иброҳимбекнинг яқин маслаҳатчиларидан бири. 1931 йил апрелда Иброҳимбек билан биргаликда совет давлати ҳудудига ўтган. Чолтоғдаги курултойда иштирок этган<sup>53</sup>.

Азим Марқа совет ҳокимиятига 1931 йил июнда таслим бўлган ва ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича Тошкент шаҳрида 52 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>54</sup>.

#### **Тошмат Хўжабердиев**

*Тошмат Хўжа Бердиев, Тошмат Хўжабердиев* (1894-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек кўрбошининг сафдоши.

Тошмат 1884 йили Ҳисор беклигидаги Шуриан қишлоғида (Исанбой райони ҳудудида) туғилган. Қамоққа олинган пайтда у Ҳисор райони Қораманкул қишлоғида ўз оиласи билан яшаётган эди<sup>55</sup>. Ўзбекларнинг дўрмон уруғидан.

Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши курашда фаол қатнашган Тошмат ўз оиласи билан 1922 – 1923 йилларда кўплаб оилалар сингари Афғонистон чегарасига ўтиб, Оқтепа қишлоғида яшай бошлайди. Кейин Айлободда 150 нафар дўрмон уруғига мансуб оилаларнинг муҳожирликда яшаб турганлигини билиб, ўша ерга кўчиб боришга қарор қилган. Айлободда дўрмонлардан ташқари яна 100 нафар қозоқ оилалари ҳам яшар эди. Қозоқлар ва дўрмонларнинг тепасида қозоқлардан Достон вакил оқсоқол эди. Достон оқсоқол афғон вакиллари билан учрашиб, муҳожирларга ажратилган ерларни ўзлаштириш учун ариқ қазиб, сув чиқариб деҳқончилик қилишга тайёрлашга келишган. Келишувда

<sup>48</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 71-варақ.

<sup>49</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 72-варақ.

<sup>50</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>51</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>52</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>53</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 38-варақ.

<sup>54</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>55</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.





ўзлаштирилган ерларнинг ярми афғон вакилларига бериладиган ҳамда ушбу эрлардан 3 йил мобайнида солиқ олинмаслик белгиланди. Шундай шартлар билан муҳожирлар Айлободда ўзларига ажратилган ерларга сув чиқариб ўзлаштирди. Шундан сўнг Тошмат ҳам бу эрда 5 йил яшаган.

Бу даврда Иброҳимбек дўрмонлардан Мулла Тўрақул раҳбарлигида 20 йигитни ўз сафига олади<sup>56</sup>. Афғонлар билан курашлар мубайнида Мулла Тўрақул афғонларга таслим бўлган. Шунга қарамай афғонлар унинг йигитларини ҳам қамокқа олишга буйруқ берган. Бу қарорни эшитиб, Мулла Тўрақулнинг йигитлари энди нима қилиш кераклиги хусусида Оқтепа мавзесида кенгаш чақириб, Мозори Шарифга кўчишга қарор қилишган. Оқтепадаги кенгаш ҳамда уларнинг кўчиб кетмоқчи эканликлари хусусида Иброҳимбекка хабар этказилган. Шундан сўнг Иброҳимбек муҳожир оилаларни афғонлар тазйиқидан ҳимоя қилиш мақсадида ўз йигитлари билан этиб келди ва афғонлар билан жанг бошланиб кетди. Жангдан сўнг қочиб кетган муҳожирларни орқага қайтариш учун ўзининг йигитларини Мозори Шарифга жўнатди. Орқага қайтганлар кам бўлди. Чунки улар ҳар томонга тарқалиб кетган эди: 400 та оила дарё орқали Термизга ўтиб кетган ва айрим қисмлар Имом Сойибга кетган, ҳаттоки 200 та козоқ оиласи Иброҳимбекнинг йигитлари билан афғонларга қарши курашди ва Мозори Шарифга кетди<sup>57</sup>.

Тошмат ўз қариндошлари бўлган 30 хўжалик билан Имом Сойиб томонга ва улар билан бирга 100 хўжалик козоқ оиласи ҳам кўчиб кетган. Тошмат ўз гуруҳи билан Имом Сойиб яқинида дарё қирғоғида тўхтаб, совет ҳудудига ўтиш масаласида келишиб, энди ўтмоқчи бўлиб турганда афғон вакиллари келиб уларни Имом Сойибдаги Мажар қишлоғига ҳайдаб кетган. Афғонлар ўзбек муҳожирларининг яхши отлари ва хўкизларини тортиб олган ҳамда оқсоқолларни қамокқа олиб Хонободга жўнатган. Худди шу пайтда Тошмат дарё орқали совет чегарасига ўта олмайди, чунки чегарада ҳам кучли кўриқлов ҳолати жорий қилинган эди.

Бошқалар сингари Тошмат ҳам афғонлар томонидан қамокқа олинишини билиб, 4 киши: Қорабий, Мулла Барот ва Ўрозмат билан Даркат тоғига келиб жойлашган. Иброҳимбекнинг йигитлари ва Эрناзар козокнинг 100 нафар йигити ҳам шу ерда эди. Улар 1931 йил баҳорида биргаликда тун қоронғулигида совет ҳудудига ўтишди ва Жилонтоғда, сўнгра Чолтоғда бўлишди. Чолтоғда Тошматга ўз уйига кетишга рухсат берилди<sup>58</sup>.

Иброҳимбек Тошмат билан бир қаторда Қорабий, Мулла Барот ва Ўрозматларга ҳам рухсат берган эди. Улар таслим бўлиш учун ўз қишлоғи томон, Боботоғга йўл олган. Боботоғда боргандан сўнг 3 киши Тошматга тоғда яшириниб туришни, улар эса ўз уйларига бориб қишлоқдаги ҳолатни билиб келиш учун жўнаб кетишди ва 6 кундан сўнг қайтиб келишди. Ўзлари билан аҳолидан Мулла Эшонкул ва махсус бўлим ходими Эшматни ҳам олиб келишди ва улар қандай таслим бўлиш масаласида келишиб олган ҳамда кечкурун бирга қолишган. Эрталаб эса бу эрга Иброҳимбекнинг 4 нафар йигити ва Исохон Эшон ўзининг 50 нафар йигити билан келиб, Ойбулоқда турган Иброҳимбек ҳаммани чақиртирганлигини этказган.

Иброҳимбек Ойбулоқда кенгаш чақириб, унда Исохон Эшон, Сойиб Командир ва Алимардон Додхоҳлар қатнашиб, унда Бойсун ва Ғузор томонга кетишга қарор қилинди. Эрталаб қизил армия қисмлари етиб келиб икки ўртада жанг бўлган ва қизиллар орқага қайтиб кетган. Шундан сўнг улар Сурхондарёга йўл олган ва Бойсунга бориб бир неча кун турган. Кейин у ердан Миршодига бораётганда унга яқин бир жойда қизил армия қисмлари билан жанг бўлиб ўтади. Унда Иброҳимбекнинг пулемётчиси Мирза Қосим қочиб кетган ва Тошмат пулемётни Эшматга олиб берган<sup>59</sup>. Урушдан сўнг Тошмат 1931 йил 22 июнда Оқмачит қишлоғига бориб қизил армияга таслим бўлган. Бир кундан сўнг Абдуқаюм Парвоначи бошчилигида делегация Иброҳимбекнинг ёнига борган ва Иброҳимбек ҳам

<sup>56</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 72-варақ.

<sup>57</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 73-варақ.

<sup>58</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 73-варақ.

<sup>59</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 74-варақ.







таслим бўлган<sup>60</sup>.

Тошмат Хўжабердиев 1931 йил 22 июнда Сталинобод ОГПУси томонидан қўлга олинган. Оқмачитда биринчи марта сўроқ қилинган<sup>61</sup>.

ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми бўйича у Тошкентда 48 ёшида 1932 йил 10 августда отилган<sup>62</sup>.

### Мирзақаяом Шеров

*Мирзақаяом Шеров* (1897-1932) – Шарқий Бухорода совет ҳокимиятига қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек қўрбошининг шахсий котиби.

Мирзақаяом 1897 йили Шарқий Бухородаги Кангурт тумани Сариеб қишлоғида туғилган. Ўзбекларнинг лақай уруғидан. Лақай уруғининг эсонхўжа шохидан, эсонхўжа шохининг кунту шохобчасидан. Мусулмонча таълим олган. Деҳқончилик ва мирзалик билан шуғулланган<sup>63</sup>.

Мирзақаяом Шеровнинг 1931 йил 3 июлда Муртазин томонидан қилинган сўроғидан маълум бўлишича, 1926 йилда Иброҳимбек илмли кишиларни ўзига котиб қилиш учун уни чақирган. То шунга қадар Мирзақаяом деҳқончилик билан машғул бўлган. 1926 йилда кизиллар ҳужумини қайтаришга кучи этмаган Иброҳимбек 50 йигити қаторида Мирзақаяом ҳам Чубек ва Бешкапа орқали Афғонистон чегарасига ўтиб кетган. Афғонистонда дастлаб Рустокда 3 кун яшаган. Шундан сўнг Иброҳимбек билан Хонободга (20 кун яшаган), кейин эса Кобулга йўл олди ва Қалъаи Фотуда тўхтади. Мирзақаяом Кобулга 9 ой давомида касал бўлиб ётган. Тузалгач у Хонобод туманидаги Айлобод мавзесига бориб, деҳқончилик билан шуғулланиб, 3 йил давомида ўша эрда яшайди. Шу вақт ичида Иброҳимбек билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган<sup>64</sup>.

Афғонистон амири Омонуллаҳон тахтдан ағдарилгач, унинг ўрнига Ҳабибуллаҳон ўтиради. У Хонобод беги қилиб Саид Ҳусайнни тайинлайди ва Саид Ҳусайн ўзи билан Иброҳимбекни ҳам Хонободга олиб кетган. Шундан кейин Иброҳимбек Мирзақаяомни чақиртириб, ўзига котиб қилиб тайинлайди. Шу вақтдан бошлаб яна Мирзақаяом то қўлга олингунга қадар котиблик вазифасида фаолият кўрсатган.

Хуллас, Мирзақаяом Шеров Ойбулоқ қишлоғида 1931 йил ёзида совет ҳокимиятига таслим бўлган<sup>65</sup>.

Мирзақаяом Шеровнинг 1931 йил 28 октябрда Дуров томонидан қилинган сўроғидан маълум бўлишича, Иброҳимбек Тожикистон ССР ҳудудига ўтгандан сўнг Мирзақаяом унга 4 та жойда мурожаатнома ва ҳужжатлар ёзишда котиблик қилган:

Биринчиси Чолтоғда унча катта бўлмаган ўзбек, тожик, рус ва бошқа халқлар учун 15 нусхада мурожаатномалар ёзган. Уларда турли миллат вакиллари совет тузумига қарши курашга чорлаш акс этган. Улар Иброҳимбек томонидан қўрбошиларга тарқатилган. Шундай мурожаатномаларни бир неча бор қуйидаги қўрбошилар аҳолига тарқатган: 1. Хонжон Балжувон ва Кўлобдаги қарлуқларга; 2. Абдуқаяом Парвоначи Балжувондаги бадракли уруғига; 3. Кўган Тўқсаба Балжувондаги эсонхўжа ва курдак уруғларига; 4. Ортиқ Додхоҳ Балжувон лақайларининг тўрт ўғил шохобчасига; 5. Алет [Арлот ёки Олот] Полвон Балжувон лақайларининг байрам шохобчасига; 6. Эрназар Қозоқ Қўрғонтепа, Сарой Камар ва Жилликўл қозоқларига; 7. Алимардон Ҳисор бадраклиларига; 8. Қул Мирза Ҳожи ва Мансурқуллар Ҳисордаги қизилбойларга (бадракли); 9. Тошмат Боботоғдаги дўрмонларга; 10. Шохасан ва Бобожонлар Ҳисорнинг Ғозималик тоғидаги тожикларга. Ушбу қўрбошилар Чолтоғдан турли кунларда ўз районларига кетишган.

Иккинчиси Найзабулоқда (Балжувон беклиги ҳудудида) ҳам мазмунни юқоридагидек бўлган 7-8 нусхада мурожаатномалар ёзилган. Учинчиси Санглакда ёзилган.

<sup>60</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 75-варақ.

<sup>61</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>62</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>63</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>64</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 76-варақ.

<sup>65</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 80-варақ.





Тўртинчиси Боботоғда ёзилган бўлиб, у юқоридаги мурожаатномалардан анча узунроқ, у аҳолининг барча қатламларига қаратилиб, 8 нусхадан иборат бўлган. Уни аҳолига этказиш Исохон Эшоннинг номи билан боғлиқ. Чунки Иброҳимбек Ҳисор, Саросиё, Денов, Бойсун, Шеробод ва Қабодиён ҳудудларида ҳам ҳарбий, ҳам фуқаролик масалаларини ҳал этишни Исохон Эшоннинг зиммасига юклаган эди.

Мирзақаюм ёзган шундай ҳужжатлардан Шерободдаги уруғларга Мулла Холдор кўрбоши ва Деновга эса Ҳасан кўрбошилар томонидан этказилган.

Яна шуни айтиш керакки, Чолтоғ ва Найзабулоқда аҳолига ёзилган мурожаатномаларни ёзишда Мирза Садриддин<sup>66</sup> ҳам иштирок этган. Шунингдек, Рустокда Кўганбек ҳам котиблик қилган. У ҳужжатлар Боботоғ ва Санглақда юбориладиган ҳужжатлар бўлиб, уни Иброҳимбекнинг ўзи айтиб турган. Уни Мирзақаюм билан биргаликда Кўганбек ва Мирзақосим (Иброҳимбекнинг котибларидан бири)лар ёзган<sup>67</sup>.

Иброҳимбекнинг афғонлар билан жанглари бошланишидан бир ой илгари Мирзақаюмни хузурига чақиртирган. Мирзақаюм лашкарбоши хузурига борганда кўнғирот уруғидан бўлган, Бойсунда яшовчи, илгари совет ҳокимиятига хизмат қилган Мулла Норбой чўлоқ ва Хўжа Полвонлар турган эди. Шунда Иброҳимбек Мулла Норбой чўлоқ томонидан ёзилган аҳолига қаратилган мурожаатномани Мирзақаюмга бериб, уни Тоғайбек масжидига бориб кўпайтиришни буюрган. Бу ишга Мулла Норбой чўлоқ раҳбарлигида Мирзақаюмга ёрдамчилар қилиб, Абдулла Махсум (файзободлик тожик), Мулла Рустам (ҳисорлик) ва Мулла Қорақўлдан иборат кичик бир гуруҳ тузилган ва уларга мурожаатномани кўпайтириш топширилган. Мурожаатномалар 30-40 нусхада тайёрлангач, Мирзақаюм шахсан уни Иброҳимбекка этказган, Иброҳимбек уни Мирза Қосимга бериб яшириб кўйишни тайинлаган. Мурожаатномаларнинг мазмуни совет ҳудудида яшаётган барча аҳолига қаратилган бўлиб, унда чорлаган тез орада Ўтанбек совет ҳудудига ўтиши ва аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашга чорлагани даъват қилинган<sup>68</sup>.

Мирзақаюм 1931 йил ёзида Сталинобод ОГПУси томонидан қўлга олинган. Денов ОГПУ томонидан у бир марта сўроқ қилинган<sup>69</sup>. Унинг 1931 йил 3 июлда терговчига ўзбек тилида берган кўрсатмаси “Ватан” газетасида Тошкентда 1993 йил 3 ноябрда эълон қилинган<sup>70</sup>.

Мирзақаюм Шеров ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 35 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>71</sup>.

#### **Арлот Полвон Элмирзаев**

Алет [Арлот] Полвон Элмирзаев (1890-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган йирик кўрбошилардан. Иброҳимбек кўрбошининг сафдоши.

Арлот Полвон Шарқий Бухоро ҳудудида 1890 йили туғилган. Ўзбек лақабларининг довод уруғидан. Оиласи Тожикистон ССРнинг Қизилмозор туманидаги Урилди қишлоғида яшаган<sup>72</sup>.

Арлот Полвон қизил армияга қарши ўз ҳаракатини 1920 йилда акаси Исматнинг гуруҳида оддий йигит бўлиб бошлаган. 70 нафардан иборат гуруҳ ташкил этган. Акасининг ўлиmidан сўнг у гуруҳга раҳбарлик қилган<sup>73</sup>.

1926 йилда Афғонистонга ўтиб кетган. 1929 йилда Арлот Полвоннинг гуруҳи 2 марта Тожикистон ССР ҳудудига ўтиб, Кўлоб туманида қизил аскарлар билан тўқнашувлар натижасида яна ортга қайтиб кетган<sup>74</sup>.

Арлот Полвон Афғонистондан Чубек участкаси орқали 1929 йил 5 октябрда

<sup>66</sup> Мирза Садриддин – Амир Саид Олимхоннинг тоғаси Саидбекнинг собиқ котиби.

<sup>67</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 82 – 83-варақлар.

<sup>68</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 81-варақ.

<sup>69</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.

<sup>70</sup> Мирзақаюмнинг баёни // “Ватан” (Тошкент). № 43. 1993 йил 3 ноябрь.

<sup>71</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>72</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 78-79-варақлар.

<sup>73</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 37-варақ.

<sup>74</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.





Тожикистоннинг Кўлоб туманидаги Қайрағоч қишлоғига келиб, у эрдаги қизил аскарларга хужум уюштирган. 1930 йил 12 апрелда ҳам худди шундай хужум уюштирганда у қаттиқ яраланган.

1931 йил мартда Иброҳимбек билан Арлот Полвон ҳам Афғонистондан 200 нафар йигит билан совет чегарасидан ўтган. Жилонтоғдаги қурултойдан сўнг у ўша эрда қолган ва шу пайтда унинг йигитлари сони 130 нафар бўлган<sup>75</sup>.

Тулкибулок, Жарикбулок ва Оқсой худудларида қизил армия қисмлари билан жанглار ўтказган<sup>76</sup>.

ОГПУнинг 3-Пархар чегара қўшинлари комендатураси бошқармасининг 1931 йил 2 августдаги № 01223-маълумотномасида келтирилишича, 1931 йилнинг 29 ва 30 июл кунларида Бешкапада Арлот Полвон ва қизил аскарлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтган. 1931 йил 1 августда у ўзининг 7 нафар йигити билан Пархар райони, Ингичка (Жинишка) қишлоғида 3-комендатура бошқармасининг қозоқлар отряди томонидан қўлга олинган<sup>77</sup>.

Арлот Полвон ОГПУ Коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 42 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>78</sup>.

### **Эшон Полвон Баҳодирзода**

*Эшон Полвон Баҳодирзода* (1888-1932) – Шарқий Бухорода совет режимига қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек қўрбошининг сафдоши.

Эшон Полвон Қабодиён беклигидаги Чопари қишлоғида 1888 йилда эшон оиласида туғилган. Ўзбекларнинг кўнғирот уруғидан бўлган. Мусулмонча таълим олган<sup>79</sup>.

Эшон Полвон Шарқий Бухорода яшаётган маҳаллий аҳолини совет ҳокимияти ва қизил армияга қарши курашга йирик уламо сифатида доимий равишда сафарбар қилиб турган.

1926 йилда Афғонистонга ўтиб кетган. Ҳамма вақт Иброҳимбек ва Ўтанбек билан бирга бўлган. 1931 йил апрелда 25 нафар йигити билан совет давлати худудига ўтган<sup>80</sup>.

1932 йил 14 январда Эшон Полвон Баҳодирзода Тошкентда Муртазин томонидан қилинган сўроғидан маълум бўлишича, унинг аждодлари ҳаммаси катта эшонлардан бўлиб, уларнинг кўплаб муридлари бўлган, аммо Эшон Полвон Баҳодирзоданинг муридлари бўлмаган. Эшон Полвон Баҳодирзоданинг Афғонистонга муҳожирликка кетгунга қадар 28 та оти, 3 та сиғири, 2 та хўкизи, 1 та эшаги мавжуд бўлган<sup>81</sup>.

Эшон Полвон ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 44 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>82</sup>.

### **Ортиқ Додхоҳ Аширов**

*Ортиқ Додхоҳ Аширов, Кўр Ортиқ* (1891-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган йирик қўрбошилардан. Иброҳимбек қўрбошининг сафдоши.

Ортиқ Додхоҳ 1891 йили Шарқий Бухорода туғилган. Ўзбек бўлган. Оиласи асосан Тожикистон ССР Қизилмозор тумани Сассиқбулок қишлоғида яшаган<sup>83</sup>.

Ортиқ Додхоҳнинг ижтимоий жиҳатдан келиб чиқиши Балжувон лақайларидан бўлиб, у тортугул уруғидан ва бой чорвадор бўлган. 1920 йилгача 10 та оти, 50 та бияси, 15 та хўкизи, 25 та сиғири, 5 та эшаги, 2500 та қўйи, 8 та туяси ва 15 нафар хизматкори мавжуд бўлган<sup>84</sup>.

Ортиқ Додхоҳнинг 1931 йил 4 августдаги сўроғидан маълум бўлишича, у ўз ҳаракатини 1920 йилдан бошлаган, қизил армияга қарши қуроли ҳаракат бошланган дастлабки

<sup>75</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 88-варақ.

<sup>76</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>77</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 79-варақ.

<sup>78</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>79</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 79-варақ.

<sup>80</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 30-варақ.

<sup>81</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 79-варақ.

<sup>82</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>83</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.

<sup>84</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 42-варақ.





кунларда у Давлатмандбий кўрбошининг гуруҳида бўлган. Тоғай Соридан додхоҳ унвонини олган<sup>85</sup> ва ўша вақтда унинг 30 нафар йигити бўлган. 1925 йилгача у ўз худудида истиклолчиларнинг ҳаракатига раҳбарлик қилган, кейин эса Афғонистонга ўтиб кетган. 1930 йилда Иброҳим Умбаров ва бошқа гуруҳлар билан биргаликда Қизилмозор тумани Қайрағоч кишлоғида совет идораларига ҳужум қилган<sup>86</sup>.

1931 йилгача бир неча марта Афғонистон давлатидан Тожикистоннинг Саройкамар тумани Курбан Шеит кишлоғига ўтиб турган. 1931 йилда 300 нафар йигити билан келиб Тожикистон худудида бир неча марта қизил аскарлар билан тўқнашган<sup>87</sup>.

1931 йилда Жарибқул деган жойда Ортиқ Додхоҳ саркарда Иброҳимбек томонидан Қизилмозорда яшовчи туртугул уруғининг беги қилиб тайинланди<sup>88</sup>.

Чолтоғдаги курултойдан сўнг Ортиқ Додхоҳ Балжувонга юборилган. Қоплондара кишлоғида Ортиқ Додхоҳнинг гуруҳи Тожикистон ОГПУнинг вакили Шаталов раҳбарлигидаги Кўлоб отряди билан тўқнашган ва жангда Шаталов ўлдирилган<sup>89</sup>.

Ортиқ Додхоҳ Аширов ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 41 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ўлдирилган<sup>90</sup>.

### **Шоҳасан Имонқулов**

*Шоҳасан Имонқулов* (1892-1932) – Шарқий Бухорода совет ҳокимиятига қарши курашган ватанпарварлардан. Иброҳимбек кўрбошининг сафдоши.

Шоҳасан Шарқий Бухоронинг Лоқай воҳасидаги Таушар кишлоғида 1892 йили туғилган<sup>91</sup>.

Шоҳасан ўз ҳаракатини 1920 йилда бошлаган. Бобожон кўрбошининг ёрдамчиси. 1925 йилда таслим бўлган. 1929 йилда Афғонистонга ўтиб кетган<sup>92</sup>.

Шоҳасан Имонқуловнинг 1931 йил 23 августда берган сўроғидан маълум бўлишича, у 1929 йилгача Таушар кишлоғида яшаган. 1929 йилда қариндошларини кўриш учун Сарой-Камар орқали Афғонистонга ўтган. Ҳазрати Имомда 2 ой, Қундузда 1 ой, Айлободда 2-3 ой (шу эрда биринчи бор Иброҳимбек билан учрашган), Талихонда 2 ойдан кўпроқ қариндошларининг уйида яшаб турган. У шу вақт мобайнида турли кундалик ишлар билан машғул бўлган.

Афғонлар билан уруш бошлангач, муҳожирларнинг Талихонга кўчиб келиши кучайган. Шу пайтда Иброҳимбек йигитларининг сони 3000 нафарга яқин бўлган. Шоҳасан ҳам оиласи билан келиб, Иброҳимбекка қўшилган. У 8-9 ой давомида афғонларга қарши курашда иштирок этган.

Иброҳимбек билан биргаликда Тожикистонга 1931 йил баҳорда қайтиб келган ва Чолтоғдаги курултойда қатнашган. Исоҳон Эшон билан биргаликда Ҳисорга жўнатиш ва у эрдан Ғозималикка аҳолини совет ҳокимиятига қарши қўзғатиш учун юборилган<sup>93</sup>.

Афғонистондаги ўзбек муҳожирлари ва кўрбошилар Иброҳимбек билан биргаликда совет давлати худудига ўтгандан сўнг Сангтўдада ҳаммага уйига кетиши учун рухсат берилган. Шундан сўнг Шоҳасан Ғозималик тоғига этиб келади ва у эрда Мулла Одина, Давлат, Қаюмларнинг 200 нафар йигити билан бирлашди. Озиқ-овқат учун Яшканди кишлоғига боришган, аммо аҳоли кўпроқ озиқ-овқатни топиб беролмай, фақатгина 2-3 кунга этарли овқат беришган<sup>94</sup>. Хуллас, Шоҳасан Ғозималикка этиб келган ва совет ҳокимиятига қарши курашда 200 кишини ўз атрофига йиға олган.

1931 йил 17 апрелда соат 12 да Шоҳасаннинг гуруҳи Мулла Одина раҳбарлигида 200

<sup>85</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 80-варақ.

<sup>86</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 42-варақ.

<sup>87</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 43-варақ.

<sup>88</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 32-варақ.

<sup>89</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 28-варақ.

<sup>90</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>91</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 37-варақ.

<sup>92</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>93</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>94</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 57-варақ.





йигити билан Исамбой қишлоғини ўраб олди<sup>95</sup>. У эрда кўнгиллилар отрядининг сардори Муқим Султонов билан 10 соатлик жанг бўлиб ўтган<sup>96</sup>.

Жанглarda мағлубиятга учрагач, Шоҳасан таслим бўлиш учун Деновга бориб, курулларини топширди ва қўлга олингач дастлаб Сталинободга, у эрдан эса Тошкентга юборилди<sup>97</sup>.

Шоҳасан Имонқулов ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 40 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>98</sup>.

### **Кўганбек Шералиев**

*Кўганбек Шералиев* (1897-1932) – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган ватанпарварлардан. Анвар Пошо ва Иброҳимбек қўрбошининг кичик сафдоши.

Кўганбек Шарқий Бухородаги Лоқай-Тожиқ туманидаги Шўрча қишлоғида 1897 йилда амир амалдори оиласида туғилган. Ўзбек бўлган. Оиласи кейинчалик Норин туманидаги Шўрча қишлоғида яшаган<sup>99</sup>.

Амир амалдорининг ўғли Кўганбек 1920 йилдан қизил армияга қарши ўз ҳаракатини бошлаган. Анвар Пошонинг гуруҳида бўлган<sup>100</sup>. Кейинчалик ўзи ҳам ҳаракатга раҳбарлик қилиб, унинг қўл остида 100 нафаргача йигитлар ҳаракат олиб борган<sup>101</sup>.

Муртазин томонидан Кўганбек Шералиевнинг 1931 йил 9 июлдаги сўроғидан маълум бўлишича, 1926 йилда Иброҳимбекнинг Афғонистонга ўтиши билан Тожикистонда яшайдиган қўплаб оилалар ҳам муҳожирликка кетган. Шулар қаторида Кўганбек Шералиев ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Афғонистон чегарасига ўтиб, Иброҳимбек билан биргаликда Янгиқалъада 6-7 кун яшагач, Кўганбек Шералиевнинг ўрнига Иброҳимбек ўзига бошқа кўриқчи йигит тайинлаган, чунки унинг ёнида 15 нафар йигити бўлган. Шундай бўлса-да, Кўганбек Шералиевни ўзи билан Кобулга олиб кетган<sup>102</sup>.

1931 йил Афғонистондан Иброҳимбек билан биргаликда қайтиб келган ва ҳар доим лашкарбошининг ёнида бўлган<sup>103</sup>.

Иброҳимбек Найзабулоқда кенгаш ўтказиб, унда Холмўмин ва Абдуқодир эшонларга ўз йигитлари билан Норинга, Алимардонга 50 йигити билан Кичик Даханага бориб таслим бўлишни таклиф этган.

Иброҳимбек, Бобожон, Алимардон, Шоҳасан ва Кўганбек Шералиев Тошбулоққа келган ва бу эрда қизиллар билан тўқнашув бўлиб, Иброҳимбек Боботоғга чекинган. Тоғда улар Исохон Эшон ва Тошманни учратган ва биргаликда Сангардакка кетишган. У ерда қизиллар билан тўқнашув бўлиб, Иброҳимбекнинг гуруҳи иккита қисмга ажралган ва 25 кун алоҳида яшаган. Дарбадар ҳолда кун кечиришдан чарчаган Кўганбек Шералиев таслим бўлмоқчи бўлган ва бу таклифни Тошмат, Бобожонлар биргаликда Иброҳимбекка айтишган ҳамда таслим бўлиш учун йўлга чиқиб, Миршодидаги Қарлуқтоққа борганида қизиллар ҳужум қилган ва жанг пайтида Иброҳимбек, Исохон Эшон, Алимардонлар алоҳида ва Кўганбек Шералиев, Тошмат, Шоҳасан, Бобожон ва Абдуқаюмлар алоҳида бўлиб ажралиб кетган.

Кўганбек Шералиев ўзининг 10 нафар йигити, Қаюм ва Тошматлар 4 нафардан йигитлари билан Ойбулоққа бориб, совет ҳокимиятига таслим бўлди.

Кўганбек Шералиев ўз сўроғининг охирида айтадики, Иброҳимбекнинг совет ҳудудига ўтишдан асосий мақсади ҳукуматга таслим бўлиш эди ва у 800 нафар ўзбек муҳожирлари оилаларини қайтиб келишига катта ёрдам берди<sup>104</sup>.

<sup>95</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 41-варақ.

<sup>96</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>97</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 58-варақ.

<sup>98</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>99</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 80-варақ.

<sup>100</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>101</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 37-варақ.

<sup>102</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 75-варақ.

<sup>103</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 29-варақ.

<sup>104</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 76-варақ.





Кўганбек Шералиев амир амалдори оиласидан чиққан. Шунинг учун унга турли бухтонларни тамға сифатида ёпиштиришга ҳаракат қилинган. Гўёки у Иброҳимбекдан қатор унвонларни олган эмиш<sup>105</sup>. Лекин Иброҳимбек ўзининг 1931 йил 26 июлдаги сўроғида ҳеч кимга ҳеч қандай унвон бермаганлигини айтиб ўтади. Унвонларни илгари фақатгина амир Олимхондан олган деб таъкидлайди<sup>106</sup>.

Кўганбек Шералиев ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкентда 35 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланган<sup>107</sup>.

#### **Кўганбек Кенжаев**

*Кўганбек Кенжаев, Кўган Тўқсабо (1904-1932)* – Шарқий Бухорода қизил армияга қарши курашган ватанпарварлардан. Мулла Кенжа Додхоҳ кўрбошининг ўғли. Иброҳимбек кўрбошининг кичик сафдоши.

Кўганбек Шарқий Бухородаги Кангурт тумани Тутқўл қишлоғида савдогар оиласида 1904 йили туғилган<sup>108</sup>. Ўзбек бўлган. У Ҳисор лақайларининг курдак шохобчаси ҳисобланган данака бўғинига мансуб бўлиб, Кангурт тумани Қизилқия қишлоғида яшаган<sup>109</sup>.

ОГПУнинг Тожикистон ССРдаги вакили Япшевский томонидан ўтказилган Кўган Тўқсабонинг 1931 йил 1 августдаги сўроғидан маълум бўлишича, Кўган Тўқсабонинг отаси – Мулла Кенжа Додхоҳ ҳам кўрбоши бўлиб, у қизил армия қисмларига қарши курашган. Мулла Кенжа Додхоҳ қизил армия томонидан Кавракли қишлоғида қўлга олинган ва 1922 йилда Булен қишлоғида отиб ташланган. Шундан сўнг Мулла Кенжа Додхоҳнинг йигитларига раҳбарлик қилиш унинг 4 ўғлидан тўнғичи Абдуллабий (Абдуллабий Кенжаев) зиммасига ўтди. Унинг гуруҳи Вахш дарёсининг чап қирғоғида ҳаракатланган. Абдуллабий ҳам 1926 йилда совет ҳукуматида таслим бўлган ва қамоққа олинган. У қамоқда вафот этган. Мулла Кенжа Додхоҳнинг иккинчи ўғли Кўган Тўқсабо ва учинчи ўғли Шоймардон (иккинчи акаси Кўган Тўқсабодан 3 ёш кичик бўлган) ҳам акаси Абдуллабийнинг гуруҳида 1922 – 1926 йилларда қизил армияга қарши курашган. Акаси Кўганбек таслим бўлгандан сўнг Шоймардон Қизилқия қишлоғида маълум муддат яшагач, 1927 йилда Афғонистонга Иброҳимбек хузурига борган<sup>110</sup>.

Архив ҳужжатларида Иброҳимбек бошчилигидаги ўн олтилар гуруҳининг 9 нафар аъзоси ҳақида Тожикистон ОГПУсининг материаллари асосида тайёрланган хулосада келтирилишича, Кўган Тўқсабо Кенжаев 1926 йил Эгран қишлоғида қизил аскарларга таслим бўлган ва шундан кейин Тожикистон АССР худудида яшаган. Шу йилларда у совет ҳокимияти олиб бораётган сиёсатдан норози бўлган кишиларни ўз атрофида тўплаган<sup>111</sup>. Қизилмозор кўнгиллилар отряди раҳбари Аликул мансаб ва мукофот олиш учун Кўган Тўқсабонинг таслим бўлишини, ҳатто уни ўлдиришни ҳам хоҳлаган эди. Тинимсиз таъқиблардан қутилиш учун Кўган Тўқсабо ҳам 1928 йилда Афғонистонга ўтиб кетган.

Афғонистонга ўтиб, Кўган Тўқсабо бир ой давомида Дашти Қалъада, сўнгра эса 4 ой мобайнида Айлободда яшаган. Шу вақт мобайнида Иброҳимбек уни хузурига чақиради ва оддий йигит сифатида сафига қабул қилган<sup>112</sup>. Кўганбек Кенжаев Афғонистоннинг Чаёб-Рустак туманларида ҳаракат олиб борган<sup>113</sup>. Фақат 1931 йилда совет худудига ўтишдан бир ой олдин уни 60 нафар йигитга раҳбарлик қилиш учун кўрбоши қилиб тайинлашган<sup>114</sup>.

1931 йил апрелда Иброҳимбекнинг гуруҳи билан биргаликда совет худудига ўтган. Чолтоғдаги қурултойда қатнашган. Унинг раҳбарлигидаги гуруҳ Тутқўл (Балжувон) қишлоғига юборилган ва бу ерда 150 нафарга яқин кишини бирлаштирган. Иброҳимбекнинг

<sup>105</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 37-варақ.

<sup>106</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 9-варақ.

<sup>107</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.

<sup>108</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 37-варақ.

<sup>109</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 78-варақ.

<sup>110</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 86-варақ.

<sup>111</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 42-варақ.

<sup>112</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 87-варақ.

<sup>113</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 42-варақ.

<sup>114</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 87-варақ.





гурухи таркибида Теракли-тоғ, Мундук, Эгран, Тошбулок, Сарсарак, Чаю кишлокларида<sup>115</sup> кизил армияга қарши курашган.

У 1931 йил 16 апрелгача Иброҳимбек билан биргаликда ҳаракатланган. Шу вақт мобайнида Иброҳимбек ва Кўган Тўксаболар биргаликда Найзабулок, Мундак кишлокларида кизил армия қисмларига қарши курашлар олиб борган<sup>116</sup>.

1931 йилда бошқа қўрбошилар билан биргаликда Кўган Тўксабо гурухи ҳамда кизил аскарлар ўртасида 4 марта кескин тўқнашув бўлиб ўтади:<sup>117</sup> биринчи тўқнашув Ортик Додхоҳ Аширов билан биргаликда Теракли Тоғда; иккинчи тўқнашув Мундок кишлоғида Эгамберди Додхоҳ билан биргаликда; учинчи тўқнашув Эгранда Эгамберди Додхоҳ билан биргаликда; тўртинчи тўқнашув Тошбулок, Сарсарак, Чаютда Иброҳимбекнинг гурухи билан биргаликда бўлиб ўтган<sup>118</sup>.

Кўганбек Кенжаев ОГПУ коллегиясининг 1932 йил 13 апрелдаги ҳукми билан Тошкент шаҳрида 28 ёшида 1932 йил 10 августда отиб ташланди<sup>119</sup>. У қатл қилинган Иброҳимбек сафдошлари ичида энг ёши бўлиб, навжувон даврида совет режими томонидан ўлдирилди.

Хуллас, совет режими 1932 йил августда Иброҳимбек қўрбоши билан бир қаторда унинг 15 нафар жасур сафдошларини Тошкентда отиб ташлаган. Бироқ қўрбошиларнинг жасорати, уларнинг кизил армия ва совет режимига қарши олиб борган истиқлол учун кураши изсиз кетмади. 2021 йил 25 августда Ўзбекистон Олий суди томонидан Иброҳимбек Чақабоев ва унинг жасур сафдошлари (жами 16 нафар киши) оқланди.



<sup>115</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 28-варақ.

<sup>116</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 42-варақ.

<sup>117</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 87-варақ.

<sup>118</sup> Ўзбекистон МХХА, П-577051. 2-дафтар, 32-варақ.

<sup>119</sup> Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.





### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тошкент, 2007. Б-133 – 134; “Шарқ юлдузи” журнали, 2004. № 1. 50-б.
2. Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати архиви (Ўзбекистон МХХА), П-577051. Уч томлик. Том 2. 75-варақ.
3. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент, 2007. – Б. 125.
4. Дадабоев Ҳ. Парвоначи // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёт, 2003. – Б. 684.
5. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 1-дафтар, 5-варақ.
6. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.
7. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 27-варақ.
8. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 75-варақ.
9. Абдуқайом Парвоначининг иқрорномаси // “Ватан” (Тошкент). № 48-49. 1993 йил 8 декабрь.
10. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай // Серия “Рабочие документы ИФЕАК”. Выпуск 20 (июнь 2006 г.). – Тошкент, 2006. – Б. 170; Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.
11. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 77-варақ.
12. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай // Серия “Рабочие документы ИФЕАК”. Выпуск 20 (июнь 2006 г.). – Тошкент, 2006. – Б. 178.
13. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК» Выпуск 20. –Тошкент, 2006. – Б. 178.
14. Валишев А. Чекистские были. – Душанбе: “Ирфан”, 1988. – С. 246;
15. Назаров Н. Муҳаммад Иброҳимбек лақай. Серия «Рабочие документы ИФЕАК» Выпуск 20. –Тошкент, 2006. – Б. 178.
16. Сулаймон Эшон ҳақида батафсил қаранг: Ражабов Қ. Иброҳимбек қўрбоши жасорати ва қисмати // “Ijtimoiy fanlar” jurnali. 2022. №1. – Б.14-16.
17. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.
18. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 68-варақ.
19. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 3-дафтар, 69-варақ.
20. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 36-варақ.
21. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 28-варақ.
22. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 76-варақ.
23. Ўзбекистон ФА Тарих институти архиви, П-577051. 2-дафтар, 5-варақ.





24. Рўзибоев, Дилшод Аъзам Ўғли (2022). XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИКНИНГ АҲВОЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (3), 943-952.
25. Рўзибоев, Д. А. (2021, November). 1946-1953 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online) (Vol. 1, No. 2)*.
26. Ruziboev Dilshod A'Zam Ugli (2021). TOURISM POWER OF UZBEKISTAN. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (5), 215-222.
27. Axmedov B. Qorako'lbchilik sohasini ilmiy tadqiqotlarda o'rganilishining ahamiyati // *Journal of Social Sciences*. – 2021. – Т. 2. – №. 01.
28. Rustamov, R. R., & Elboyeva, S. B. R. (2020). THE EVOLUTION OF THE SYSTEM OF SPIRITUAL PROPAGANDA. *Theoretical & Applied Science*, (10), 218-221.
29. Рустамов, Р. (2022). СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА КАК ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА. *Scientific Collection «InterConf»*, (118), 41-49.
30. Чориев, С.А. , & Рустамов, Р.Р. (2022). ДУНЁ ТАРҒИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (5-2), 48-59.
31. Mamasaliyev, Mirzoulug' Mirsaidovich (2022). AMIR TEMUR DAVRIDA MARKAZLASHGAN BOSHQARUV TIZIMINING SHAKLLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (5-2), 1120-1129. doi: 10.24412/2181-1784-2022-5-2-1120-1129
32. Мамасалиев М. М. ЭПОХА ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ АМИРА ТЕМУРА: ФИЛОСОФСКИЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ //РАЗВИТИЕ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ. – 2022. – С. 161-165.

